



## МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯ КОРХОНАЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

### Президент Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятини трансформация қилиш ва IPOга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда давлат иштирокидаги йирик корхоналарни ислох қилиш, уларда корпоратив бошқарув ва ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда Миллий инвестиция жамғармаси фаолиятининг йўлга қўйилгани ва унинг бошқаруви “Franklin Templeton” компанияси жалб этилгани муҳим қадам бўлди.

Ўтган ойда Миллий инвестиция жамғармаси илк бор халқаро бозорда 690 миллион долларлик активларни жойлаштирди. Бу орқали Ўзбекистон глобал капитал бозори қоидалари асосида ишлашга тайёр экани ҳақида муҳим сигнал берилди. Жойлаштириш жараёнида талаб тақлифдан 4 баробар юқори бўлиб, йирик инвесторлар томонидан қарийб 3 миллиард долларлик буюртмалар берилди.

Энди жамғарма портфелидаги 13 та йирик компанияда трансформация жараёнларини тезлаштириб, уларни IPOга тайёрлаш вазифаси турибди. Жумладан, “Uzbekistan Airways”, “Ўзсанотқурилишбанк”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ўзбектелеком” бўйича ишларни шу йилнинг ўзига яқунлаштириш мақсад қилинган.

Тақдимотда “Uzbekistan Airways” АЖ мисолида мажбуриятларни ташкил этиш масалалари қўриб чиқилди. “Franklin Templeton” вакиллари томонидан миллий авиакомпаниянинг фаолияти диагностикадан ўтказилиб, 115 та чора-тадбирдан иборат трансформация дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур тўлиқ амалга оширилса, компаниянинг операцион даромадларини бир йилда 120 миллион долларга ошириш имкони борлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Жумладан, маршрутларни оптималлаштириш, тўғридан тўғри сотувларни ошириш ва миқозлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, парвозлар орасидаги вақтни қисқартириш, рейсларни бекор қилиш ҳолатлари ва кечикишларни камайтириш, кейтеринг ва техник хизмат кўрсатиш каби тизим корхоналари самарадорлигини ошириш, бозордаги вазиятга тезкор мослашиш ва малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳисобидан қўшимча даромад олиш имконияти қайд этилди.

Бу чоралар натижасида авиакомпаниянинг бозор қийматини 1,6 миллиард доллардан 2,3 миллиард долларгача ошириш имкони мавжуд. Шу билан бирга, дастур ишлаб чиқилганига бир неча ой бўлганига қарамай, уни амалга ошириш ишлари суст бораётгани кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари компанияни халқаро капитал бозорига тайёрлаш учун, аввало, бошқарув сифатини тубдан ошириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритиш ва кредит рейтингини яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Йил якунигача миллий авиакомпаниянинг 15-20 фоиз акциясини халқаро IPO орқали сотиш мақсад қилинган. Бунинг учун компания фаолиятини холис баҳолаш, унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, махсус ҳаво кемаларини компания балансида чиқариш, давлат буюртмаси асосида бажарилган хизматларни қоплаш механизмни жорий этиш бўйича амалий чоралар қўрилиши белгиланди.

Тақдимотда туризм соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари авиакомпания олдига янги талаблар қўяётгани ҳам қайд этилди. Йил бошидан мамлакатимизга келган туристлар сонини 27,5 фоизга ошириб, қарийб 5,5 миллион нафарга етди. Айнқса, Хитой, Малайзия, Япония ва АҚШдан келадиган сайёҳлар сонини сезиларли қўпайтган.

Айни пайтда миллий авиакомпания бу ўсишга етарлича тез мослаша олмаётгани кўрсатиб ўтилди. Самолётлар паркинни кенгайтириш ишларида кечикишлар мавжуд.

Шу боис, авиакомпанияда харидлар тизимини алоҳида тартиб асосида ташкил этиш, самолётлар паркинни кенгайтириш бўйича қарорларни тезкор қабул қилиш ва бу жараёнларда халқаро амалиётни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Тошкентни Марказий Осиёнинг йирик авиахабига айлантириш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бунинг учун “Uzbekistan Airways”, “Uzbekistan Airports” ва “Янги Тошкент” аэропорти ўртасидаги ҳамкорликни янгона тизим асосида мувофиқлаштириш, инфратузилма, йўналишлар ва транзит тармоғини ўзаро бондиқ ҳолда ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга Миллий инвестиция жамғармаси портфелидаги корхоналар трансформациясини тизимли ташкил этиш учун алоҳида лойиҳа офисини ишга тушириш, компаниялар бошқарув органларига халқаро молия бозорлари талабларини яхши биладиган, амалий тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш, ҳар бир корхона бўйича IPOга тайёрларликнинг аниқ графикасини ишлаб чиқиш ва ижросини қатъий назорат қилиш топширилди.

## АЛБАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай рафиқаси ҳамроҳлигида 16-17 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон ва Албания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янгона ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади.

Савдо, саноят кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, “яшил” энергетика ва туризм каби устувор йўналишларда ҳамкорликни янгона кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлади.

Маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш ҳам кўриб чиқилади. Халқаро кун тартибидagi масалалар, жумладан, кўп томонлама платформалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф дастури доирасида Албания Президенти V Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

## GERMANIA FEDERAL PREZIDENTI RASMIY TASHRIF BILAN OZBEKISTONGA KELADI

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер рафиқаси ҳамроҳлигида 17-18 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, икки давлат раҳбарларининг тор ва кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтади. Ўзбекистон — Германия кўп қиррали муносабатларини янгона ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Томонлар савдо, саноят кооперацияси, энергетика ва “яшил” технологиялар, транспорт ва логистика, фармацевтика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, таълим ва гуманитар алмашинувларни фаол

лаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик долзарб мавзулар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Музокаралар доирасида бир қатор янги қўшимча лойиҳа ва дастурларни ишга тушириш ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро манfaatли ҳамкорликни янгона ривожлантиришга қўшимча суръат бағишлайдиган ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

## МУҲИМ МИНЕРАЛЛАР СОҲАСИ ЯНГИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ШАҚЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА

### Президент Шавкат Мирзиёев саноят учун муҳим минераллар хомашё базасини ривожлантириш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан тақдимот билан танишди.

Дунёда технологик металллар ва муҳим минералларга талаб кескин ортиб бормоқда. Электротехника, машинасозлик, авиация, энергетика, тиббиёт ва бошқа юқори технологияли тармоқлар учун зарур бўлган бундай хомашё ва маҳсулотлар иқтисодий хавфсизлик ҳамда саноят рақобатбардошлигининг муҳим омилга айланмоқда.

Мамлакатимизда бу йўналишда катта салоҳият бор. Лекин ҳозирги вақтда Ўзбекистон технологик металллар комбинатининг асосий фаолияти асосан вольфрам ва молибден ишлаб чиқариш билан чеклиниб қолмоқда. Ваҳоланки, янги конларни ўзлаштириш, бойитиш фабрикалари, гидро ва пирометаллургия заводларини қуриш орқали 28 турдаги муҳим минералларни саноят даражасида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Тақдимотда ушбу салоҳиятни тўлиқ ишга солиш бўйича 2026-2030 йилларга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди. Унга кўра, умумий қиймати 4,2 миллиард долларлик 120 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу орқали тармоқ ҳажмини 2028 йилгача 1 миллиард долларга, 2030 йилгача 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг ўзига 166 миллион долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Натижада юқори софлиқдаги селен, теллур ва рений каби 3 турдаги янги металл, кукун металлургияси асосида автодеталлар сингари 21 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳамда сульфат кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, янги қувватлар ҳисобидан юзлаб иш ўринлари яратилади, бюджет тушумлари ва экспорт имкониятлари ортади.

Вольфрам ва молибден бўйича “хомашё — қайта ишлаш — тайёр маҳсулот” занжирини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу орқали фақат концентрат ёки ярим тайёр маҳсулот эмас, балки юқори қўшилган қийматга эга металл кукунлари, қотишмалар, стерженлар, симлар, саноят учун деталлар ва бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсад қилинган.

Бунинг учун Чирчиқ шаҳрида “Келажак металлари” технопарки ва R&D марказининг фаолиятини кенг йўлга қўйиш белгиланган. У ерда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, юқори софлиқдаги металллар ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур шароит яратилади.

Президентимиз технопарк ва унинг резидентларига ер участкалари ҳамда инфратузилмадан фойдаланиш бўйича қўшимча имтиёزلар бериш, стартап лойиҳаларни молиялаштириш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Марказий Осиёда муҳим минераллар бўйича янгона илмий-тадқиқот ва технологик марказни шакллантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Чирчиқ шаҳрида ташкил этилаётган нанотахлил лабораторияси геология, кончилик ва металлургия лойиҳалари учун замонавий таҳлил хизматларини кўрсатади. Лаборатория тўлиқ ишга тушса, бир кунда 1 мингтагача намуна таҳлил қилиниб, 6,5 миллион долларлик импорт хизматлари маҳаллийлаштирилади, яна 4 миллион долларлик хизматлар экспортни йўлга қўйилади.

Соҳадаги лойиҳаларни тезлаштириш учун геология-қидирув ишларини кенгайтириш, истиқболли майдонлар ва конларни халқаро стандартлар асосида

баҳолаш, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш, хорижий инвесторлар ва технологик ҳамкорларни фаол жалб қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, тармоқда рақамлаштириш ва суний интеллект технологияларини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Геологик маълумотларни янгона рақамли базага жамлаш, қидирув ишларини 3D моделлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини реал вақт режимда назорат қилиш, бозор таҳлили ва лойиҳалар бошқарувини замонавий платформалар орқали ташкил этиш вазифалари белгиланди.

Соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Тошкент давлат техника университети билан дуал таълим тизими йўлга қўйилиб, Технологик металллар комбинатида металлургия ва материалшunosлик бўйича 2 та кафедралар очилган. Айни вақтда университетнинг 64 нафар талабаси ишлаб чиқариш амалиётини корхонада ўтамоқда. Мутасаддиларга дуал таълим қамровини кенгайтириш, ўқув дастурларини янги лойиҳалар эҳтиёжига мослаштириш ва битирувчиларни юқори технологик ишлаб чиқаришларга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари муҳим минераллар соҳаси янги саноят тармоқларини шакллантириш, экспортни кўпайтириш, технологик мустақилликни таъминлаш ва юқори малакали иш ўринлари яратишда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мутасаддиларга 2026-2030 йилларга мўлжалланган лойиҳалар ижросини қатъий назорат қилиш бўйича топшириқлар берилди.

## Янги Ўзбекистон руҳи

## КЕЧАГИ САБОҚЛАР ВА БУГУНГИ НУРАФШОН КУНЛАР



Халқимизда “Ўтган кишининг совуғи йўқ” деган мақол бор. Бундай донишмандона мақоллардаги хикматлар, ҳақиқатларни тушуниш, англаб етиш учун холис, шукрона туйғуси билан мулоҳаза қилиш, ўйлаш керак. Мазкур хикматда таъкидланишича, ўтган “совуқ кунлар”, қийинчиликлар унутилади. Кун мавзусига навбатдаги масалалар, айтилки, янги муаммолар чиқаради.

“Ўзбекистон бундан ўн йил бурун қандай эди, ҳаётимиз, шартларимиз, турмуш-турмушимиз, тафаккуримиз, бийрон тишимизнинг ҳоли нечоғлиқ эди ўша пайтларми? Афсуски, одам боласи тез унутади. Қадрига етиш, шукр қилиш деган оддий инсоний туйғулари ҳам эсан чиқаради. Кўз ўнгимизда юз бераётган катта ўзгаришларнинг фарқи бормайди ёки билб туриб, такабурилик қилади”, деб ёзди таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов “Миллат Шавкати” мақоласида.

Ҳақиқатан шундай. Одам боласи табиатан на иссиққа, на совуққа чидайдми. Лекин барибир ҳар бир иймон-этиқодли, яхши-ёмоннинг фарқига борадиган, яхшиликнинг қадрига етадиган, бир сўз билан айтганда, одамгарчилиги бор киши бугунги ўзгаришларни, беқийёс имкониятларни, албатта, эътироф этади. Zero, бугуннинг қадрига етиш учун кечаги кунни эслаш керак-ку!

► Давоми 3-бетда

## БУ МАЙДОНГА ТУШМОҚ ЎЗИ ГАЛАБАДИР



### Ўзбек футболчиларининг “Жаҳон чемпионати — 2026”да биринчи бор майдонга чиқишларига бағишланади

### Бугунинг шеъри

Она юртим, теракларинг, голларингдан, Эсан жонбахш, ҳаётбахш шамолларингдан. Бир замонлар пахтангни хўп куйлагандим, Энди бир шеър айттайин футболларингдан.

Рақибимиз Колумбми ё Колумбмиё? Менинг бобом голибми ё Колумбми ё? Бизга фақат бир копток бер, кўхна дунё, Бор матоҳинг, ашқолу дашқолларингдан.

Футбол, футбол, бир армоним ортиб қолган, Йиллар мендан коптогимни тортиб олган. Мен чемпион болларимдир шу замонда, Кечиб барча ромларингди фолларингдан.

Ер шари ҳам копток мисол айланадир, Айланадир, кеча-кундуз айланадир. Зўр ўйинга шайланмоқда рўйи жаҳон, Огоҳ бўлгил корчаллон даллоларингдан.

Бош мурабий, яъни жаноб Фабиого, Бир саволим бордир ноҳос, фавуқлода: Кай бири зўр: куролим ё, футболми ё? Жаҳон бозорига чиққан молларингдан?

Шарқу Ғарбдан айтсам агар — гапни қўйгин, Ярми ҳарбу зарб бўлса гар, ярми — ўйин. Айтгил энди эрта-индин не кутайлик? Не шамоллар — Жануб ва Шимолларингдан?



Демак, фақат футбол қолмиш, фақат футбол, Олам аҳли бирлаштирар у бемалол. Инимжоним, бошингда дўппингдан айт, Ер юзини забт этган тимсолларингдан.

Исминг Аббосмиди, Шерзод ва ё Элдор, Сенга ҳамроҳ бўлсин фақат номул ва ор. Шаштларингда Алломишининг шиддати бор, Қўксингдаги ёлқинларинг, ёлларингдан.

Президент ўзи дуо берди сизга, Ўттиз саккиз миллионли халқ изингизда. Бу ҳисоби дунё дерлар, ҳисобларинг — Гоҳ нулу бир, гоҳи нулу нолларингдан.

Ҳар бир зарбанг элу юртга туҳфа бўлмай, Буни ҳеч ким билмас ҳам ФИФА билмай. Олам хабар топди номинг янграганда, Сен етишган марраю камолларингдан.

Бу майдонга тушмоқ ўзи галабадир, Марди майдон асли замон талабидир.



Байроқларинг бир қадрон кўринадир, Бахтинг балқиб юлдузинг, ҳиллоларингдан.

Сен биландир барча мулки туронийлар, Отахонлар, онахонлар, нуронийлар. Мингта кирган чинорлардан юз минг дуо, Яна юз минг — кампирлару чолларингдан.

Дилбалларинг — янргоқ сўзинг, ёруғ юзинг, Уч миллион мухлисларинг — ўғил-қизинг, Бир халқу бир Ватан бўлиб улғайгуси, Жўжуқларинг — қанду асал, болларингдан.


Шеърим балки бир кун кетар таҳрираниб, Мен юз йиллар юрсам бўлмай фахрланиб, Ўзбекистон, отажоним, болажоним — Жаҳон майдонида урган голларингдан!

Сирожиiddин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири





**Пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон — Гонконг бизнес мулоқоти ҳамда B2B форматдаги учрашувлар ўзаро мулоқотларни амалий босқичга кўтарди. Ташриф давомида қатор ҳамкорлик меморандумлари имзолангани бунинг яққол исботи.**



**Сўхбат**

**Ўзбекистоннинг дунёдаги энг йирик молиявий марказлардан бири — Гонконг бозорига кириб бориши тобора фаоллашмоқда. Кейинги вақтларда ушбу маъмурий ҳудуд билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Айниқса, икки томон ишбилармонлари ўртасида янги иқтисодий кўприк пайдо бўлиб, бизнес муносабатлар учун истиқболли эшиklar очилмоқда.**


# ЎЗБЕКИСТОН – ГОНКОНГ ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ

## Умумий манфаатлар бирлашмоқда

Шу йилнинг май ойи бошида юртимиз тadbиркорларидан иборат делегация Хитойнинг Гонконг шаҳрига бизнес ташрифини амалга оширган эди. Орадан бир ой ўтиб, 4-5 июнь кунлари Гонконг ва Хитойнинг бир қанча шахарлари ишбилармонлари жамланган катта делегация Тошкент шаҳрида меҳмон бўлди.

Ташрифнинг илк кунидеҳ давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Сянган (Гонконг) махсус маъмурий ҳудуди администрацияси раҳбари Ли Цзячао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашув давомида ҳамкорлик истиқболи ва йўналишлари ҳақида сўз борди. Асосий жиҳати шундаки, ушбу иқтисодий ҳамкорлик алоқалари худудлар миқёсида амалга оширилляпти. Муносабатларда иқтисодийнинг деярли барча йўналишлари назарда тутилган.

Пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон — Гонконг бизнес мулоқоти ҳамда B2B форматдаги учрашувлар ўзаро мулоқотларни амалий босқичга кўтарди. Ташриф давомида қатор ҳамкорлик меморандумлари имзолангани бунинг яққол исботи.



Чуқкириб кетилиши мумкин Гонконгнинг ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир. Бунинг олдидан ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир. Буни гонконглик ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир. Буни гонконглик ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир. Буни гонконглик ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир.

Хамкорликнинг янги босқичга чиқиб бораётгани икки томон учун манфаатлидир. Буни гонконглик ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир. Буни гонконглик ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир. Буни гонконглик ишбилармонлар ҳам ташкилдоридир.

**Мехмонимиз — Гонконг Савдони ривожлантириш кенгаши раиси, профессор Фредерик Ма** билан делегациянинг юртимизга ташрифи қандай ўтгани ҳақида сўхбатламиз.

— Аввало, Ўзбекистонга хуш келибсиз! Хитойлик тadbиркорлардан иборат катта делегация, қолаверса, сиз бошчилигиниздаги гонконглик тadbиркорларни бу гал юртимизга бошлаб келган асосий сабаб нима бўлди?

Молиявий хизматлар, инфратузилма, фармацевтика, қайта тикланувчи энергия, логистика соҳалари ҳам тadbиркорларимиз диққатини тортди. Инвесторлар Ўзбекистоннинг Европисе савдо йўллари марказидаги стратегик жойлашуви ҳамда мамлакат тобора логистика ва транспорт марказига айланиб бораётганини алоҳида эътироф этди. Умуман, кейинги йилларда Ўзбекистон гонконглик тadbиркорлар учун ҳам инвестицион жозибадор дийёрга айланди. Бу мамлакатдаги юқори иқтисодий ўсиш, катта салоҳиятга эга ички бозор, тобора очиллашиб бораётган инвестиция муҳити, хусусий сектор ривожини қабил қўллаб омилар билан боғлиқ. Хар йили аянғанан таразда ўтказилмаётган Тошкент халқаро инвестиция форумида жаҳоннинг турли давлатидан миңлаб ишбилармонлар иштирок этаётгани боиси ҳам шунда бўлса керак.

— Ушбу ташриф Гонконг, Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган миссиянинг бир қисми ва албатта, Ўзбекистон кейинги йилларда иқтисодий ўсиш ва ривожланиш жиҳатидан Марказий Осиёдаги энг етакчи мамлакатлардан бирита айлангани бизни ушбу юртга фаол қорламда. Қолаверса, минтақа давлатлари билан биргалликда амалга ошириляётган “Бир макон — бир йўл” ташаббуси лойиҳаларида Ўзбекистон тобора муҳимроқ ўрин эгалламоқда. Шу баҳона мамлакатда меҳмон бўлганидан хурсандим.

Делегациямиз бир неча кун давомида 20 дан ортиқ тadbирда иштирок этиб, барча йўналишлардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди, қатор лойиҳалар билан танишди. Эътиборимни кўпроқ тadbиркорлар учун янги бозорларни аниқлаш, талаб ва таклифини ўрганиш, инвестицияларни жалб қилиш каби масалалар тортди. Очғни, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари биз учун янгилик эмас. Мамлакатда савдо, молия, инвестиция, логистика, инновациялар, умуман, барча соҳаларда кенгроқ ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжуд. Гонконглик тadbиркорларнинг ўзига тортаётган жиҳат ҳам шунда. Қолаверса, Ўзбекистоннинг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, фаол ислохотлари ҳамда стратегик жиҳатдан географик жойлашуви уни Гонконг учун истиқболли ҳамкорга айлантди. Биз айнан шу омил — имкониятларимизни бирлаштиришга интиляимиз.

— Аввало, Ўзбекистон азалдан Хитойнинг муҳим савдо ҳамкорларидан бўлиб келган. Бу муносабатлар илдизи мамлакатларимизни боғловчи асосий кўприк — Буюк ипақ йўли пайдо бўлганидан кейин ривожланиб, бутунга қадар мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳимиз. Ана энди бу ҳамкорлик худудлар миқёсида ҳам ривожлана бошлади. Албатта, жараён ўз-ўзидан бўляямпти, бунинг учун фаол ҳаракатлар қилинмоқда, ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилляпти. Айниқса, ўтган ойда Ўзбекистон Бош вазири бошчилигидаги бизнес делегациянинг Гонконгга ташрифи икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлди. Гонконгда илк бор ўтказилган “Made in Uzbekistan” кўргазмаси ҳамда Ўзбекистон савдо уйининг очилиши хар икки томон тadbиркорлари томонидан ниҳоятда илиқ қутиб олинди. Биз Ўзбекистоннинг катта иқтисодий салоҳиятга эга экани, ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳаллий махсулотлар бозориди юқори потенциал мавжудлигига гувоҳ бўлдик.

Делегациямиз таркибиди асосан ишбилармонлар, хусусан, Хитой ва Гонконг компаниялари вакилларидан иборат 70 нафардан ортиқ бизнес эгаси жамланганди. Улар мамлакат бозори, худудлар имкониятлари билан таништирилди. Бу фаол ҳамкорликнинг бошланishi, холос.



Саноат кўргазмаси Ўзбек бизнесининг қанчалик ривожланиб бораётганини яққол намоён эта олди. Очғни, жуда кўп бизнес тadbирларда бўлганман, аммо Ўзбекистон делегацияси иштирокида ўтган учрашувлардаги каби қатнашчилар сони ва иштиққини яқин йилларда кузатмаган эдим. Бу гонконглик тadbиркорларнинг ўзбекистонлик ишбилармонлар билан фаол ишлашга тайёрлигини кўрсатади. Боиси, улар аллақачон Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги энг кўп аҳолига эга ва ялли ички махсулот ўсishi бўйича энг тез ривожланаётган мамлакат сифатида катта ишонч билан қарамқда.

Ўзбекистон ва Гонконг бизнес доира вакилларини бирлаштираётган жиҳат ҳам шу — Ўзаро ишончга асосланган мустаҳкам ҳамкорликни ривожлантириш, икки томон иқтисодийи бир-бирини тўлдиршида фаол иштирок этишга қаратилган. Хар икки бозордаги компанияларини савдони кенгайтириш, инвестиция жалб қилиш, таъминот занжирларини фаоллаштириш, янги бозорларга чиқish каби умумий манфаатлар ҳамкорликка ундамоқда.

Хусусан, Гонконг Ўзбек компанияларида халқаро инвесторларни жалб қилиш, Хитой ва унинг энг йирик шахарлари бозорларига фаол кириб боришга кўмаклашиши мумкин. Гонконг компаниялари учун эса Ўзбекистоннинг стратегик жойлашуви ва тобора ўсиб бораётган иқтисодийи жозибадорликни ошироқда. Кузатувларимизга кўра, икки томон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқиб борапти ва бу оддий савдо алоқалари эмас. Энди томонларни йирик инвестицион лойиҳалар қизиктиряпти. Назаримда, иқтисодийнинг кўллаб соҳаларида икки томон бир-бирини самарали тўлдирди олади.

Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Хусусан, Гонконг дунёнинг энг йирик молиявий марказларидан бири бўлиб, капитал бозорлари, активларни бошқариш, банк хизматлари, “яшил” молиялаштириш, сугурта, фиптекс ва профессионал хизматлар соҳаларида катта тажрибига эга. Ўзбекистон эса миллий иқтисодийини модернизациялаш ва халқаро инвестицияларни жалб қилишда давом этар экан, ушбу йўналишларда йирик лойиҳалар учун имкониятлар олиб бормоқда.

Ўзаро савдо ҳамжоларини ошириш асосий мақсадларимиздан бири. Чунки бу бевотаса иқтисодий ўсиш, инвестициялар, янги иш ўринлари ошишига хизмат қилади. Гонконгнинг Ўзига хос жиҳатларидан бири турли бозорларини боғлай олиш хусусиятидир. Қолаверса, хорижий бизнесларнинг Осиё бозорига қиришини ҳам қўллаб-қувватлайди. Савдо ва капиталнинг бундай икки томонлама оқими барча иштирокчилар учун қиймат яратади.

Ўзбекистонда инвестиция киритиш учун катта имконият борлиги эътиборимизни тортди. Аммо гонконглик инвесторлар фақат сармоя киритиш билан чекланоқчи эмас. Биз ўзбек компанияларига янги бозорларга чиқish, кўпроқ инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашадиган халқаро тажриба, глобал бизнестармоқлари ҳамда профессионал хизматларни таклиф эта оламиз. Халқаро инвесторлар базаси ўзбек корхоналарининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилига кириш харақатлари фаоллашгани ҳам инвесторлар қизиқishi ва ишончини янада ошироқда. Йирик тузилмага эълолик халқаро бизнес ҳамжамиятига кучли ижобий сигнал юборади. Гап шундаки, бутун глобал иқтисодий кўп томонлама ҳамкорлик, ҳамма учун тенг бўлган қондалар билан ишлайдиган очик ва шаффоф савдо тизими, махвум бўлмаган бизнес муҳити, адолатли бозор тамойилларига асосланмоқда. Ўзбекистоннинг ана шу жараёнга қўшилиши эса унинг жаҳон иқтисодийига мослашувини янада мустаҳкамлаб, халқаро майдонда янги имкониятларни очади.

— Гонконг делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи анча самарали ўтгани айтилмоқда. Ҳамкорликнинг устувори йўналишлари буйича қўшма “йўл харитаси”ни қабул қилиш, икки давлат ўртасида ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш ҳамда Гонконг билан икки томонлама вазасиз тартибни жорий этиш каби қатор муҳим келишувлар имзоланди, шундай эмасми?

# Ислохотлар амалда ТАРАҚҚИЁТ ВА НАТИЖАДОРЛИК ОМИЛИ

**Мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатлари ва давлат раҳбари топшириқларининг сўзсиз ҳамда самарали ижросини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлашини кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижро интизомини ташкил этишининг замонавий ва самарали механизмларини қўллашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур фармон билан қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда топшириқлари ижросини назорат қилишининг таъсирчан тизимини яратиш, худудлардаги ислохотлар натижадорлигини баҳолаш, давлат органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш ҳамда ижро жараёнини сунъий интелект технологияларини жорий этиш каби устувор вазифалар белгиланди.**



**Шодмон РАСУЛОВ,**  
**“Ўзбекгидроэнерго” АЖ**  
**назорат бўлими бош мутахассиси**

Шундан келиб чиққан ҳолда, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш, давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли ҳамда тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Жамият фаолиятида Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро тугучи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдонда “Йўл.го.уз” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари асосида ижро интизомини ташкил этишининг самарали механизми йўлга қўйилган бўлиб, бу жараён доимий равишда такомиллаштириб бориламоқда.

Бугунги кунда жамиятда ижро интизомини таъминлаш рақамли бошқаруви тизимлари орқали амалга

жамият масъулигида бўлган бирорта ҳам бажарилмаган топшириқ мавжуд эмас. Бу кўрсаткич “Ўзбекгидроэнерго” АЖда ижро интизомини ташкил этиш ва назорат қилиш ишлари юқори даражада йўлга қўйилганини, масъул ходимлар ва раҳбарлар томонидан топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратиляётганини яққол намоён этади.

2026 йилнинг беш ойида “jro.gov.uz” тизими орқали ижро интизомини назорат қилиш бўлими 131 та топшириқ келиб тушди. Шундан 92 таси Президент, 19 таси Президент Администрацияси, 20 таси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ҳамда 58 таси ҳукумат комиссиялари баёнарида белгиланган вазифалардан иборат бўлди. Уларнинг хар бири бўйича масъул ижрочилар белгиляниб, бажарилиши таъминланди ва белгиланган тартибда назоратдан чиқарилади.

Жамиятда ҳужжатлар айланмаси ва бошқаруви жараёнини рақамлаштириш борасида ҳам кенг қўллами ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “edo.jro.uz” электрон платформаси орқали



оширилмоқда. Хусусан, “jro.gov.uz”, “km.jro.uz” ва “edo.jro.uz” электрон платформалари орқали ҳужжатлар ижроси устуран доимий мониторинг олиб бориламоқда. Жамиятда ижро интизомини таъминлаш бевотаса масъул раҳбарларнинг доимий назоратиди бўлиб, хар бир топшириқнинг ижро ҳолати кунлиқ, ҳафталик ва ойлик кесимларда таҳлил қилинади. Бу жараёнда таркибий тузилмалар фаолияти мувофиқлаштирилиб, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши таъминланмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг фармон, қарор ва топшириқлари ижросини таъминлашда тизимли ёндашув шакллантирилган. Жамият ижро аппаратининг таркибий департамент, бошқарма ва бўлимлари ҳамда тизим корхоналари иштирокида Президент ва Президент Администрацияси ҳужжатлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ва йилгили баёнарида белгиланган вазифаларнинг ижроси мунтазам назорат қилиб бориламоқда.

2026 йил январь-май ойларида жами 9532 та ҳужжат айланмаси қайд этилди. Шундан 5226 таси келиб тушган, 4306 таси эса ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг ташкил этди. Келиб тушган ҳужжатлар таркибиди Президент Администрациясидан 33 та, Вазирлар Маҳкамасидан 98 та, вазирлик ва идоралардан 840 та, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлардан 253 та, тизим корхоналаридан 2649 та, бошқа ташкилотлар ва хорижий ҳамкорлардан 849 та, жисмоний ва юридик шахслардан 81 та муружоат қабул қилинди. Шунингдек, давлат сирларини муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ махсус тартибда кўриб чиқариладиган ҳужжатлар билан ишлаш ҳам қатъий назорат асосида ташкил этилди.

Ишлаб чиқилган ҳужжатлар таркибиди кенгаш қарорлари, ишлаб чиқариш ва қардларга онд бўйруқлар, йилгили баёнари, чора-тадбирлар режалари, чиқish хатлари, факсқарамалар ҳамда ички хизмат ёшларуви муҳим ўрин эгаллади. Бу эса жамиятда бошқаруви қарорларини қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш жараёнини рақамли муҳитга тўлиқ интеграция қилинганлигини кўрсатади.

Таҳлилларга кўра, 2017-2026 йиллар давомида “Ўзбекгидроэнерго” АЖга ижро учун жами 175 та ҳужжат келиб тушган бўлиб, уларда жамият масъулигида амалга оширилиши лозим бўлган 947 та топшириқ белгилянган. Уларнинг 621 таси қарор, 124 таси фармон, 14 таси фармойиш ҳамда 188 таси йилгили баёнарида назарда тутилган вазифалардан иборат.

2026 йил 1-июнь ҳолатида мазкур топшириқларнинг 689 таси тўлиқ бажарилиб, ижроси таъминланган. Бажарилган вазифалар таркибиди 421 та қарор, 88 та фармон, 12 та фармойиш ва 168 та йилгили баёни топшириқлари мавжуд. Бу эса АЖ томонидан давлат раҳбари ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг қариб 73 фоизи тўлиқ ижро этилганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда жамиятининг ички бошқаруви тизимида қабул қилинаётган барча ҳужжатлар ижроси ҳам электрон платформа орқали мониторинг қилиб бориламоқда. Жумладан, 29 та йилгили баёни бўйича белгилянган 1844 та топшириқнинг ижроси хар кун таҳлил қилиниб, масъул ижрочилар фаолияти мувофиқлаштирилмоқда. Аппарат йилгилишлари, техник йилгилишлар, бўйруқлар, бошқаруви қарорлари ҳамда махсус топшириқлар билан белгилянган вазифалар ижроси юзасидан тизимли мониторинг йўлга қўйилган бўлиб, хар бир топшириқнинг бажарилиш ҳолати мунтазам таҳлил қилинмоқда. Бунда ижро муддатларига қатъий ривоят этиши, вазифаларнинг сифатли ва натижадор бажарилиши таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни вақтда 254 та топшириқ белгилянган муддатлар доирасида бажарилиш жараёнида бўлиб, уларнинг хар бири бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Муҳими, мазкур топшириқларнинг барчаси белгилянган графиклар асосида бажариламоқда.

Жорий йил январь-май ойларида давлатимиз раҳбари топшириқлари ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан бешта алоҳида “йўл харитаси” ва кунбай кесимдаги бешта “календарь график” ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамаси ва Энергетика вазирлиги билан келишилган ҳолда тайёрляниб, уларда назарда тутилган барча вазифалар ижроси тўлиқ таъминланди. Натижада “jro.gov.uz” ҳамда “km.jro.uz” тизимларида

Президентимиз томонидан белгилянган вазифалардан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ келгувчи кунда ижро интизомини янада кучайтириш, рақамли назорат воститаларини кенгайтириш, масъул ходимлар малакасини ошириш ва давлат раҳбари топшириқларининг сўзсиз ижросини таъминлашга қаратилган ишларни ички давом эттиради. Зеро, ижро интизому хар қандай ислохотнинг амалий натижасини таъминлайдиган, давлат ва жамият тараққийетини белгилайдиган энг муҳим омилардан биридир.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**  
**Ирода ТОШМАТОВА сўхбатлашди.**



